



САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА НАШР ЭТИЛДИ

Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йулида» китоби Санкт-Петербург шаҳрида нашр этилди. Бу ҳол Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда республика-мизда муваффақиятли амалга оширилаётган давлат ва ҳужалик қурилишига ян-гича ёндашувлар бутун жаҳон, айниқса, МДХ мамлакатлари иқтисодчилари ва сиёсатшуносларида катта қизиқиш уй-го-таётганидан далолат бериб турибди.

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

15-16 сентябр кунлари Тошкентда Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳам-корлик масалаларига бағишланган семи-нар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Республи-камиз Президенти Ислон Каримов ну-тқ сузлаб, Тошкент учрашувида мақ-сад минтақада ва умуман жаҳонда Ти-нчлик, Барқарорлик ва Ҳамкорлик ур-натилишга ҳисса қўнишдан иборат экан-лигини таъкидлади.

УЛУҒБЕК НОМИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақмасининг қарорига асосан, узини-нг 75 йиллик тўйини нишонлаётган Тош-кент Давлат университетига буюк олим ва мутафаккир Муҳаммад Тарағай Улуғ-бек номи берилди.

ТОШКЕНТДА САВДО КЎРGAЗMАСИ

Куни кеча Тошкентдаги «Экспомар-каз»да Ҳиндистоннинг савдо кўргазма-си ўз ишнини якунлади. Унда Ҳиндис-тондаги саксондан зиёд йирик фирма ва компаниялар ўз маҳсулотларини на-мойиш этишди. Шунингдек, икки мам-лакат ишбилармонлари узаро ҳамкорлик, қўшма корхоналар очиш тўғрисида ша-ртномалар ҳам тузишди.

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда Тошкентда МДХ мам-лакатларининг ижтимоий секторига шу-ғулланувчи уқитувчилар ва мутахассис-лар учун «Ижтимоий сиёсат. Дастурлар ва лойиҳалар» мавзусидаги семинарни-нг учинчи қисми бўлиб ўтмоқда.

Бу нуфузли анжумани Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қўллаб-қувватла-ган ҳолда Жаҳон банкининг Иқтисодий тараққиёт институти ўтказаяпти.

Семинар қатнашчилари 12 кун мо-байнида Ижтимоий таъминот, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларида ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари-да бўлиб, уларда амалга оширилаётган ишлар билан танишадилар, узаро таж-риба алмашадилар.

**ЎЗА ва республика матбуоти
хабарлари асосида тайёрланди.**



Хазонлар тўқилди кузнинг пойига

Абдул Фани Жума сурати

СИРЛИ МИХХАТ

АЖАБО!

Форсийлар шоҳи Дороявуш (Доро 1) нинг авлодларга қолдирган антиқа бир ёдгорлиги ҳанузгача олимларни уйлантириб келмоқда. Бундан салкам икки ярим минг йил муқаллам Бехистун тоғига буюк шоҳ Доро 1 томонидан ғалаба рамзини ифодаловчи тасвир уйиб туширилади. Ҳаммадан ҳам қизиги, ердан 50 метрлар чамаси баландда жойлаштирилган бу тасвирда учта тилда ёзилган сирли миххат (эронийлар ва оссурийларнинг михта ўхшатиб ёзган қадимги хати) борлиғидир. Ёзувлар-нинг биринчиси шоҳ ва сарой тили бўлган қадимги форс тилида, иккинчиси уша даврда давлат тили бўлган бобил тилида ва учинчиси элам тилида битилган. 515 сатр қадимги форсий, 141 сатр бобил ва 650 сатр элам тилида ёзилган бу миххатни пастдан туриб ўқишнинг сираям имкони бўлмаган.

Хуллас, бизнинг асримизга келиб бу қадимий битикни ўқиш учун нафақат тажрибали олим, балки тажрибали альпинист ҳам керак бўлиб қўли. Эҳ-ҳе, икки ярим минг йил давомида асл ҳолича сақланиб қолган бу миххатни ўрганишда қанчадан-қанча изланишлар бўлмади, дейсиз...

Аниқланишича, миххатда бу ёдгорликка зарар етказишга уринган кимсани энг олий жазо кутиши ҳақидаги гап ёзиб қолдирилган экан. Қаранг-а, шоҳ Дороявуш битигининг қудрати шунчалик экан-ки, ҳозиргача ёдгорликка на бир табиий офат ва на анчадан бери ўтказилаётган тадқиқотлар даф соловганича йўқ.

Балки қадимий ёдгорликларга бизда ҳам ана шундай огоҳлантиришлар битилганда қанчадан-қанча маданий меросларимиз ер билан битта бўлиб кетмасиди...



— Сайдали, аввало комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳақида гаплашсак?

— Комбинатимиз республикамиздаги энг кат-

та дон комбинатларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 500 дан ортиқ ишчи ва хизматчилар фаолият кўрсатмоқда. Иккита ун ишлаб чиқарадиган тегирмон-цехимиз мавжуд. Уларнинг биринчиси 150 тонна, иккинчиси эса 350 тонна галла қабул қилиш қувватига эга. Шунинг билан бирга 40 минг тонна бугдой сақланадиган элеватор ва 750 тонналик омукта ем ишлаб чиқарадиган цехимиз ҳам бор.

— Бир кунда қанча ва қандай маҳсулотлар ишлаб чиқарилади?

— Комбинат бир кунда 500 тонна ун ва 750 тонна омукта ем ишлаб чиқаради. Албатта биз бу имкониятдан тулиқ фойдаланиш учун бор кучимизни ишга солаямиз. Донни нес-нобуд қилмасдан қайта ишлаб истеъмолчиларга етказиш комбинатимизнинг биринчи мақсади ҳисобланади. Зеро, дон — халқ бойлиги, уни эъзоз-

ИШЧИЛАР МАМНУН, ИШ ҲАМ УНУМЛИ

Тошкент 2-дон маҳсулотлари комбинатининг бош ҳисобчиси Сайдали НИЁЗОВ билан суҳбат

лаш аввало дон маҳсулотларидан бошланиши керак.

— Ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳақида фикрингизни ҳам билмоқчийдик?

— Яқиндагина барча жойда тантанали нишонланган республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги байрами муносабати билан комбинатимизда катта байрам тадбири ўтказилди.

Унда ишчи-хизматчилар учун бир ойлик маош миқдоридан пул мукофоти ва 70 минг сумлик совға-саломлар ва қимматбаҳо буюмлар тарқатилди.

Навбат билан илгор ва куп йиллик меҳнат стажига эга булган ишчи-хизматчиларимизни уй-жой билан таъминлашни йўлга қуйганмиз. 1995 йилга қадар ҳар йили 5-6 талдан ишчи ёки хизматчи уй-жойли

булган булса, шу йилдан бошлаб, биз ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда ҳар йили 10 нафар



хизматчига уй-жой олиб беришни режалаштирмоқдамиз. Комбинатимиз қўшида 100 уринли болалар богчаси фаолият кўрсатиб турибди. Унда фақатгина комбинат ишчи-хизматчиларининг болалари тарбияланишади. Тутилган кунларни, нафақага чиқишларни корхонамиз узига яраша тантана билан ўтказди ва уша кишиларга моддий ёрдам ҳамда эсдалик совғалари уюштирилади. Ёрдамчи хужалигимиз мавжуд, унда 150 бош қорамол ва 200 бош қўй боқилмоқда. Вақти-вақти билан ишчиларимизга текин ёки арзон нархда гушт ва сут маҳсулотлари етказиб берилаяпти. Бу йил ёзда ишчиларимиз болалари учун ҳар дам олиш мавсумида 24 тадан текин йўланмалар тарқат-

дик. Байрамларда, дам олиш кунларида жамоамиз республикамизнинг сулим масканларида, комбинат ҳисобидан дам олиб келишади. Қуриб турганингиздек ютуқларимизнинг барчасига қаттиқ ҳисоб-китоб, тартиб-интизом ва самарали меҳнат эвазига эришмоқдамиз.

— Бой корхона сифатида хайрия ишларини ҳам ўтказасизларми?

— Албатта. Республикамизда машхур булган аёл, меҳрибон она, бағри кенг инсон Антонина Павловна Хлебушкина бошқараётган 22-болалар уйига ва ёрдамчи хужалигига ун ҳамда ем маҳсулотларини 50 фоиз арзон нархда берайпмиз. Бундан ташқари байрамларда ва хайрия кунларида комбинатимизда ишлаб нафақага чиққан ёки меҳнатга лаёқатсиз деб топилган кишилар ҳолдан доимо хабар олиб турибмиз. Уларга моддий ёрдам кўрсатаёلمиз.

— Ишчиларнинг ойлик ўртача маоши қанчани ташкил этаёпти?

— Ўртача ойлик маош 1,5-2 минг атрофида. Бундан ташқари ойлик, кварталлик мукофот пуллари ҳам бериб борилади.

— Камчилик, муаммолар бора-сида икки оғиз...

— Иш бор жойда камчилик албатта булади. Фақатгина иш йўқ жойда камчилик топилаётгани мумкин. Биздаги камчиликлар унчалик, шов-шув қиладиган даражада эмас. Уларни аста-секин бар-тараф этиб келаяпмиз.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Эркин ЭШОНҚУЛОВ
суҳбатлашди

• Муассислар фаолиятдан

ЯҚИНДАН ТАНИШУВ

Жаҳон банкининг Иқтисодий тараққиёт институти томонидан Тошкентда ўтказилаётган ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи ўқитувчилар ва мутахассисларнинг семинар-кенгаши қатнашчиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ходимлари билан учрашдилар. Гуруҳ бошлиғи америкалик К. Патрисия, қирғизистонлик Қ. Уразаев, украиналик Т. Чаюн, россиялик Ю. Таранухалар Республика болалар жамғармаси раиси И. Юсуповнинг жамғарманинг фаолияти ва республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий сиёсатнинг қирралари ҳақидаги суҳбатини диққат билан тингладилар.

Меҳмонлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди. Учрашув иштирокчилари эсдалик совғалари билан алмашдилар.

Д. РАХИМБЕРДИЕВА

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЖАМИЯТ

Республикамиз Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони чиққандан кейин жамиятда хотин-қизларнинг нуфузлари яна бир поғона кўтарилди. Жумладан, Республика хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош Вазир уринбосари мақомининг берилиши, Республика Вазирлар Маҳкамасида хотин-қизлар ишлари бўлимининг ташкил этилиши, вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмитаси раисларининг ҳоким уринбосари этиб тайинланиши катта тарихий воқеа бўлди.

Шу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ишлари бўлими, Республика хотин-қизлар қўмитаси ва Германиянинг «Конрад Аденауэр» фонди ҳамкорликда вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар ишлари бўйича ҳоким уринбосарлари учун «Хотин-қизлар ва жамият» мавзусида туркум семинарлар ўтказиб, уларга ушбу масалалар юзасидан давлатимиз олиб бораётган сиёсатни илмий-методик ва илмий-амалий жиҳатдан етказиш режалаштирилган. Мазкур семинар 1995 йил 21

август кўни Тошкентда ўз ишини бошлади. Бу туркумнинг «Бошқарув органларида хотин-қизларнинг иштироки» мавзусидаги 1-босқичи Тошкентда 25-26 август кунлари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳоким уринбосарлари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг уринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова ва Германия томонидан Бундестаг депутати Эрика Рейнград, «Конрад Аденауэр» фондининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер ҳамда ишбилармон Эльвира Лотиманлар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

«Бошқарув органларида хотин-қизларнинг иштироки» мавзусидаги 1-босқич ўқув семинарининг давоми 11-12 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Унда «Конрад Аденауэр» фондининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ишлари бўлими мудири Ойниса Мусурмоновалар ўз чиқишлари билан иштирок этдилар.

ҒАМХЎРЛИК

Республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги шодиёнасида Самарқанддаги 6-болалар уйининг байрамона қувончига яна бир қувонч қўшилди. Вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан бу болалар уйига «Москвич» русумидаги енгил автомашина берилди. Болалар уйи директори, шоира Бибисора Туробова вилоят ҳокимлигининг бу ғамхўрлигидан миннатдор эканлигини таъкидламоқда.

Р.КУЧИМОВ
Самарқанд вилояти



XIV

Лондон, 1747 йил, 27 март
ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Айш-ишрат — аксарият ёшларни ҳалокатга учратувчи мисоли сувости қоялариридир. Кемани тўғри йўлдан бошқариб бориш учун на ақл-идроки ва на йўл курсаткичлари бўлмаган ёшлар ҳузуур-ҳаловатни излаб денгизда шитоб билан суза бошлайдилар. Оқибатда сафарлари ҳузур бағишлаш урнига, уларга катта бахт-сизликлар келтиради. Эзма чол ёки руҳонийга ухшаб сенга ҳузуур-ҳаловат, уйин-кулгидан узингни тийгин, деб ваъз ўқимоқчи эмасман, аксинча, уйин-кулгининг ҳақиқий ишқибози бўлгину, бироқ бу йўлда адашмагин, деб фойдали маслаҳатлар бермоқчиман, холос.

Одатда инсонлар ҳаётдан завқланишга, тириклик нафъасидан баҳраманд бўлишга интиладилар. Ёшлар ҳаётсеварлик тушунчасини орзу-ҳаваслари ва диллари билан тушуниб етмай, бошқалар ҳузуур-ҳаловат деб ҳисоблайдиган нарсаларга қур-қуруна интилаварадилар. Ҳолбуки, маишатпарастлик, майхурилик, хотинбозлик ва бачканаликни ҳам ҳаётдан лаззатланиш, деб тушунадиганлар куп. Менга қанчалик ноқулай ва орийат бўлмасин, сенга фойдаси етиши мумкин, деган умидда ёшлигимда узимнинг аҳмоқона қизиқшларимдан кура одамларга қўноқ ва бахтиёр қуришни учун қилган қилиқларимдан кўпроқ азият чекканимни айтмоқчиман. Масалан, ичкиликни ҳеч қачон еқтирган эмасман, аммо ҳақиқий жентлмен ва маишатни яхши қурадиган йигит вино ичишни билиши керак, деган хаёл билан бу беаъни одатни анча вақтгача тарк этолмадим.


Қарта уйини ҳақида ҳам шу гапни айтишим мумкин. Пулга зориққан эмасман, демак уйинга пул ютиш учун қўшилмасдим. Бироқ қарта уйнаш хушчақчақ одамга керак, деб ҳисоблаганим учун ҳақиқий роҳат

бахш нарсаларнинг купидан воз кечиб, қарийб уттиз йиллик умримнинг энг яхши онларини беҳуда қиморбозликка сарфладим.

Бир вақтлар ҳатто сўкиш, ноҳуя суларни ишлатишга ҳам ургандим, бироқ оғзи қоскилик уга маданиятсизлик ва беаънилик эканлигини тез орада англаб, узимни тутиб олдим.

Шундай қилиб, бетайин одатлар ва сохта ҳузуур-ҳаловатга берилиб бойлигимга, соғлигимга хийла зарар етказди ва узимнинг бу телбалликларим учун муносиб жазоландим.

ни уйламайдиганлар изидан бориб, шахсий қобилиятим ва соғлигимга пугур етказадиган одатлардан сақланардим. Қартани эса пул ютиш учун эмас, балки вақтихушлик учун узимга еқадиган улфатлар орасида уйнар эдим. Йирик пуллар айланадиган қиморлардан четда юрардим. Чунки бундай ютуқ пул-



Булларнинг ҳаммаси сени оғоҳлан-тиришга хизмат қилади, деб уйлайман. Нимадан роҳатланишни ҳаммаша узинг танла, биров таклиф этган ҳузуур-ҳаловатни қабул қилма. Утқинчи одату русумларга эмас, узингнинг табиий қизиқишинга таян, бутунги бир соатлик маишат қанчалик роҳат бахш этиши-ю, ундан кейин келадиган хунук оқибатлар вазнини ақл тарозосида яхшилаб ўлчаб, сунгра бир қарорга кел.

Агар ҳозирги ақлим ва тажрибам билан ҳаётимни қайта бошлашга тўғри келганда, мен сохта маишатларга кетган вақтимни ҳақиқий роҳатбахш ишларга сарфлаган, ноз-неъматлар ва винодан ҳам эрта бир кун оғир асоратлар қолдирмайдиган даражада тановул қилган бўлардим.

Йигирма ёшлик одамларга нафсини тийинглар, ичкиликка ружу қўйманглар, дея панду насихат айтиб утирмасдим, уз ҳоҳишларига қараб иш тутганлари учун уларга таъна ҳам қилмасдим, аммо узим келажиги ва соғлиги-

лар кишига зигирча юкмайди, ютказсанг қарзлардан қутулиш учун ҳаловатдан маҳрум бўлишинга тўғри келади. Қолаверса, катта қиморлар ҳаммаша жанжал-тўполон билан тутайди.

Мен вақтимни кўпроқ китоб ўқишга ва ақлу заковотда узимдан баланд бўлган одамлар даврасида бўлишга сарфлардим. Аёллар ва эркеклар аралаш даврандан ҳам тортинмасдим. Бундай давралар, гарчи енгилтак хатти-ҳаракатлардан ҳоли бўлмаса-да ҳар ҳолда фойдаси кўпроқ. Чунки аёллар олдида эркеклар ҳаммаша узларини матълум даражада вазмин тутишади.

Агар умримнинг сунгги уттиз йилини қайта яшашга тўғри келганда, ҳузуур-ҳаловат, қизиқишларим ана шулардан иборат бўларди. Ҳаётдан лаззатланишнинг бу мезонлари яхши тарбия қурган олий табақа одамларга хосдир. Зотан, ҳузуур-ҳаловатни бошқача тушунадиган кишилар, ҳар қанча мақтанишмасин, олий табақага мансуб бўлмайдилар. Ахир, кайфи ошиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган

ароқхурни, ёки қартага ютқазиб қўйиб, сочини битталаб юлаётган қиморбозни, ё худога шак келтирувчи телбани узини ҳурматлайдиган жамоа қабул қилармиди. Худди шундай, беаъни касалга учраб, бурнининг ярмидан ажралган учига чиққан фоҳишабозни қайси давра олқишлар билан қарши олади, дейсан. Йук, бундай ярамас, бал-

хулқ одамлар узларининг олий табақага мансублиги билан фахрланишга ҳақлари йук. Яхши давралар эшиги улар учун тақа-тақ берк. Ҳақиқий олижаноб, ҳаётдан чинакамга завқлана биладиган инсон ҳаммаша ва ҳар жойда ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилади, бетайин қилиқларга эргашмайди, агар узининг биронта ноҳуя одати бўлса, уни одамлар қуздан четда, пинҳона амалга оширишга интилади.

Мен ақлу идрокдан лаззатланиш, фахрланиш ҳақида тўхталдим, зотан, одамлар одатда лаззатланиш деганда умуман бошқа нарсаларни назарга тутадилар. Улар лаззатланишни кўпроқ нафс талаблари билан боғлашади. Ваҳоланки, саҳийлик ва соҳоват, раҳмдлик ва меҳр-шафқат, билимдонлик ва ақлу идрок туфайли ҳам бениҳоя зур ҳузуур-ҳаловат туош мумкин. Ишонманки, сен худди ана шу — фахрифтоҳор туйғусидан завқланиш нима-лигини яхши билиб олсан. Хайр.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

ЭГРИ ВА ТҶҒРИ ЧҶП

Пайғамбар алайҳиссалом дарахт шохидан иккита чўп олдилар. Бир тўғри, иккинчиси эгри эди. Саҳобалардан бири Расулulloх билан бирга кетар эди. Расулulloх тўғри чўпни унга бердилар, эгрисини эса узлари олдилар. Шунда саҳоба деди:

— Е Расулulloх! Тўғри чўп сизга муносоиброқдир.

Расулulloх дедилар:

— Йук, ҳар қанча узгага эгри чўпни лойиқ курса, у дустини душманга айлантириши мумкин. Донишмандлар айтибдурлар: «Дуст топиш осон, лекин унга меҳрибон дуст бўлиш қийин».

ЮКСАК АНДИША

Абдулла бин Масъуд шундай ҳикоя қилдур:

— Бир куни Расулulloх (С. А. В) ганимат молларни тақсим қилдилар. Лекин мунофиқлардан бири норози бўлиб: «Аллоҳ рози бўладиган тақсимот қилинмади», деди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг жаҳллари чиқди. Лекин ҳар қанча аччиқланган бўлсалар-да, мунофиқдан уч олишдан узларини тийдилар, чунки у киши бундай қусурдан холи эдилар. Умар билан Халид ибн Валид: «Е Расулulloх, бу ярамаснинг калласини олайлик», дедилар. Расулulloх уларни бу йўлдан қайтардилар. Сунгра узларини жаҳлатдан тийиб дедилар:

— Худованди Карим Мусо (а. с.) га куп яхшиликлар қилган. Зеро, инсонлар уни куп ранжитганлар, лекин Аллоҳ бироларим Мусога сабр ато қилган эди.

Сабр билан хор ҳам гулистон бўлур, Шўра замин бог ила бустон бўлур. Сабр қилган бандга жавлон бўлур, Эшикларини очгусидир сабр, бил, Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил.

САОДАТ ЭШИКЛАРИНИ ОЧУВЧИ

Шом чоғи Расулulloх ҳазрати Ойша билан утирган эдилар. Ногоҳон бир киши Расулulloхнинг сураб эшик қокди. Расулulloх дедилар:

— Қандай одобсиз киши эканки, қоронғида сураб келибдур.

Ҳазрати Ойша ичкари хонага утдилар. Расулulloх у кишини уйга таклиф қилди. Дастурхон езиб уйдаги ноз-неъматлар билан меҳмоннинг ҳурматини ҳойига қўйдилар. Кейин ширин сузалар билан у кишини кузатдилар. Сунг Ҳазрати Ойша қайтиб келди ва ҳайрон бўлиб сурабдилар:

— Е Расулulloх! Сиз у киши келганда қандай одобсиз экан дедингиз. Лекин уни яхши қутиб олдингиз ва ҳурмат-эҳтиром билан кузатдингиз. Буни қандай тушунса бўлади?

Расулulloх дедилар:

— Емон одамга қовоқ уйсанг еки аччиқ сузалар айтсанг, унинг адовати баттар кучаяди. Ҳар қандай олам билан яхши муроаю малорала бўлмоқлик лозимдир. Зеро, яхшилик ва меҳрибонлик саодат эшикларини очгувчидир.

ДУШМАНГА ЧОРА

Бир киши Расулulloх қошига келди ва деди:

— Е, Расулulloх! Мени ҳамма ёмон қуради. Қучада қуришган захотиёк қочадилар еки бирон ёмонлик пайда бўладилар. Мен ҳам уларга душманлик қилсам бўладими? Расулulloх дедилар:— Агар уларга душманлик қилсанг, ана душманлик туғилади.

— Унда нима қилишим керак?

Расулulloх дедилар:

— Ҳаммадан яхшироқ бўлишга ҳаракат қил! Сендан узоқлашган кишиларга яқин бўл! Жафо қилган кишиларга яхшилик ва вафо қил! Агар шундай йўл тутсанг, Аллоҳ сени севади ва душманларинг дустга айланади.

КИМ ДОНО?

Имом Содиқнинг дустлари унинг уйда суҳбатлашиб утирардилар. Суҳбат асносида дустлардан бири Имом Содиққа юзланиб деди:— Эй улуг инсон! Биз отангиз даврида қийин масалаларнинг ва илмларнинг жавобини ундан сурадик. Ҳамма вақт қомил жавоб эшитдик. Ҳозир эса худди шундай жавобларни сиздан эшитмоқдамиз. Айтингчи, отангиз доноромки еки сизми?

Шунда ҳазрат дедилар:— Отам донорокдир. Чунки ҳозир у кишининг илмлари менга хизмат қилмоқда!

ГАВҲАРТОШ

Имом Содиқнинг дустларидан бири унинг ҳикматларини эшитти: «Эй улуг инсон! Сузларингиз бебаҳоликда гавҳарга тенгдир», деди.

Имом Содиқ ҳазратлари дедилар:— Йук, суз гавҳардан яхшироқдир. Зеро, гавҳар-тошдан узга нарсас эмас. Ибротли ҳикматларининг эса фойдаси кўпроқдир.

Байт: Саҳрода қолганда гавҳар ҳам хордир, Ибротли сузларнинг фойдаси бордир.

ҲАЁТ КУВОНЧИ

Абу Умар шундай ривоят қилибдур: Бир куни Ҳазрат Имом Содиқни оқ яқтакда, қўлларидан белкурак билан ўз боғларида иш-лаётганларини қўриб қолдим. Яқтаклари жикка ҳўл, юзларидан маржон-маржон тер қуяларди. Ёнларига бориб, «белкуракни менга беринг, ерлашлай» дедим. Ҳазрат «Ҳоҳати йук, мен сфтобда терга ботиб меҳнат қилсам, ҳаётимдан хузурланаман», дедилар.

ҚАНОАТ

Ҳазрат Имом Жавуд шундай ривоят қилди: Бир куни Абу Зарр Рафғорий Салмон Форсийнинг меҳмони бўлди. Дастурхон езилди. Салмон Форсий дастурхонга бир кузада сув ва бир булак қоттан нон келтирди. Абу Зарр сувдан ичди ва тузсиз қоттан нондан тотиниб деди:

— Қандай яхши нон, жуда мазали, фақат озгина туз қўиш керак экан.

— Рост айтсан, — деди меҳмон ва уридан туриб, қузани бозорга олиб чиқди, эвазига туз харид қилди. Нонга туз сепиб ейишди. Нонушта қилинганч, Абу Зарр Рафғорий:— Бизга қаноат ато қилган худога шукрурлар бўлсан, — деди.

— Албатта Аллоҳга шукрурлар айтамыз. Лекин қаноатимиз кўпроқ бўлганида эди, қузани тузга алмаштирмаган бўлардик!— деб жавоб қилди Салмон Форсий.

Байт: Қоттан нону сувга қилгил қаноат, Қаноат қилганга қулади омад. Уним йук, буним йук деб қилма ташвиш,

Қаноат бўлса, бойсан ҳамма вақт.

ЯХШИ ХУЛҚ

Қулардан бирида шомлик бир киши Мадинага кетаётган эди. Йўлда Имом Ҳасанини қўриб қолди. У киши Имом Ҳасанга салом бериш у еқда турсин, ҳатто ҳақоратли сузалар билан дашмон берди. Имом Ҳасан илдамди, унинг сузларини охирига тинглаб сарб қилди. Кейин у кишига салом бериб, хушвақтлик ва меҳрибонлик билан ҳол-аҳвол суради ва деди:

— Агар либосингиз бўлмаса, либос берай. Мухтож бўлсангиз совғалар ҳадя қилай. Йўловчи бўлсангиз сизни ўз панохимга олай. Бир неча кун уйида меҳмоним бўлинг.

У киши Имом Ҳасаннинг тўзал хулқини қўриб, узининг ҳақоратли сузларидан минг пушаймон бўлди ва деди:

— Эй, азиз инсон, худо олдида қасам ичиб айтаманки, шу вақтга қадар сени ва отангни ёмон инсонлар деб билар эдим. Энди эса ўз қуларим билан қўриб турибманки, сизлар дуненинг энг пок одамлари экансизлар.

Сунгра у киши Имом Ҳасаннинг уйига борди ва ҳазратнинг сеvimли меҳмони бўлди.

Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган

Б.Б.га мактуб

МЕНИНГ АЛДАМЧИ ҲАВАСЛАРИМ

Эҳтимол, уша мактуб ёзилган оқшом — табиат ўзининг энг ёруғ юлдузларини осмонга сочиб юборгандир. Балки сарвқомат гилос тусатдан бир кечада оппоқ кўйлақдаги келинчақка айланганмиди...

Мактуб шундай сатрлар билан бошланади. Мактабда ўқиб юрган пайтимда бадавлат оилаларда яшайдиган қизларнинг ўзларини тугишлари, кийим-кечакларини куриб ҳавасим келарди. Ювилавериби ранги ўчиб кетган кўйлақ, юбкаларни бошқаларга қўйишолмай кийиб юрардим. Гоҳида ойим дўконнинг энг арзон туфлисини, жемперини олиб берардилар. Ушанда мендан бахтли одам бўлмасди, дунёда. Бир кундалигим буларди, унингчада ўқиб юганимда «агар мен турмушга чиққан йигит лама палто олиб берса, уша оиланинг ҳамма юмушларини сўзсиз бажариб утирардим» деб ёзган эканман.

«Хали ишга тушсам, ҳаммаларингнни ортда қолдириб кетаман» деган ҳаёлда ўзимча дугоналаримдан аламинми олмоқчи булардим.

Ишга тушдим, маош ҳам оладиган бўлдим. Лекин ҳаммининг ҳавасини келтирадиган кийим-кечаклар, тилла тақинчоқларга ўзим уйлагандай кумилиб юролмасдим.

Уйимизга онда-сонда келадиган совчиларнинг бари бизга ўхшаган камбағал оилалардан эди. Мен орзуларимнинг ҳаммаси ҳаётга сира тўғри келмаслигини аста-секин тушуниб бордим.

Ушанда... Ҳаётимда у пайдо бўлди. Унинг оиласи борлигини билардим. Чунки у мендан бунинг беркитмасди ҳам.

Менга эса бунинг фарқи йўқ эди. Асосийси, мен ўзимга ёқадиган даражада яхши кийина бошладим. Жуда кўп нарсаларга қўлим етадиган бўлиб қолди. Кундан-кунга тубанлашиб бораётганимни эса сезмай қолдиман.

Онам, бечора онам... Бир кун ишдан келсам, шошиб ёнларига қақриб, кучада аёллардан эшитганларини гапириб кетдилар. Турғўқонада доя бўлиб ишлайдиган аёл қўшнисига айтиб берганмиш.

«... Доянинг олдида ясанган бир келинчақ келиб:

— Опажон, анови машинада ўтирган йигитга: «хотинингиз ҳомиладор экан. Олдириб ташлайман деб йиғлаб утирибди. Бизда аборт фалон пулга қилинади» деб айтиб, деб илтимос қилганмиш.

Кейин: «— Эрим ўлгудек қурумсоқ, кўйлақ олмоқчи эдим, пул бермайди»

дебди. Доя аёл унга ишонибди, алданаётгани ҳатто ҳаёлига ҳам келмабди. Лекин шу воқеани эсидан чиқармай юрибди. Ораддан уч-тўрт ой ўтгач, келинчақ яна турғўқонада пайдо бўлибди. Аммо текширувдан ўзини йўқотиб қўйган, ранги оқарган ҳолда чиқибди.

— Опажон, у киши менинг эрим эмаслар, бу гал энди ростдан ҳам бўйимда бўлиб қолибди, унга бориб айтиб, — деб йиғлаб юборибди».

Онамнинг ҳикоясини тинглар эканман, кўлларим, оёқларим титрар, юрагим зарб билан урарди. Онам у қизни узоқ қарадилар. Уни тағи паст, юзсиз, беҳаё, ота-онасидан тарбия олмаганликда айбладилар. Мен эса кўз ёшларимни ичимга ютиб, утирардим. Фақат «онажон, уша — мен, уша — мен эдим...» деб айтмай ич-ичимдан йиғлардим, холос.

Кейинчалик уша «бойвачча»нинг хотини ишхонамга келиб, роса тўполон кўтарди. Билсам, у менга бор пулини сарфлабди-ю, ўз фарзандларига биттагина нон ҳам кўтариб бормабди. Тўғилган кунини ресторандан нишонлаган «севгилим» ҳомиладор хотини касалхонада ётганида бирон марта бориб хабар олмабди...

Яқинда турмушга чиқарилман. Қўқувда қолдим. У йигит менинг ўтмишим ҳақида билиб қолса, нима қиламан?... Узимни ўзим асло кечиролмай қолдим. Одамнинг ўз-ўзига хиёнати, менимча, энг ёмони шу бўлса керак... Бахтга тўғри йўл билан бориш кераклигини, афсуски, кеч англадим. Негак, ўзини-ўзи алданган одам ҳатто биронни алдагандан ҳам кўпроқ алданаркан. Тушундим, ҳаммасига тушундим. Исминми Ёзолмайман».

Мактубни
И.РАҲМАТУЛЛАЕВА
ёзиб олди

Мана, талабаланинг яна бир серзавк, сергалва йилли давом этмоқда. Айтиш мумкинки, бугуннинг талабаси да давр билан ҳам нафаслик, ҳамқамлик ва жушқинлик бисёр. Республиканинг барча ўқув юртлири талабалари уртасида яқинда ўтказилган «Ватанини севмоқ иймондандир» мавзуси бўйича иншо танлови якунлари бунини яна бир бор исботлаб турибди.

Ана шу танлов натижаларига кўра Тошкент Давлат университети талабаси Ниязжон Наврузова голиб деб топилди.

«Мен бу иншомни голибликка даъво қилиб эмас, она-ватанимга меҳр-муҳаббатим нечоғлиқ эканлигини

ифодалаб ёзгандим, холос. Бунинг қарангки, таътилдан келдим-у, ушбу хушхабарни етказишди», — дейди голиба ҳаяжон билан.

Қўқна Хоразмининг Шовот туманидан бўлган бу талаба қизининг юрагида орзу-армонлари бир олам. Балким келажақда бу қиздан катта бир олима, шоира ёки малакали ўқитувчи чиқар... Аммо у ким бўлишидан қатъий назар қалбида доим ватан туйғуси жушиб туришига иймонимиз комил.



Б.Б. талабалар ҳаётидан

ВАТАН ҚАЛБИМДАДИР

МУҲАББАТ
ЖИНОЯТМИ?

лаверса, кишлоқ йигитига хос бўлган уятчанлик, ийманиш бу дардда тобора азобланишига йўл очиб берганди.

Сокин оқшом. Қурбақалар қуруллашдан, чирилдоқлар чириллашдан, дарахтлар тебраниб-тебраниб шивирлашдан тўхтади. Ҳатто ой булутнинг панасига яшириниб турибди. Токи муҳаббатдан сармаст бўлиб сузлашаётган бир жуфт сояга қўқилиб кетмаслик, ҳалал бермаслик учун... Афсуски, Нилуфар бошқа бировга унаштирилгани, қолаверса, ҳеч қачон ота-онасининг гапини икки қиллолмаслигини айтиб, йигитдан узор сўради. Фарҳоднинг умидлари, илк муҳаббати ҳазонангил сароб остонасига тўкилди.

«Ғам ема, ота-онаси рози бўлмаса қизни олиб қоқамиз. Ана кишлоғимиздан нечтаси олиб қочиб уйланди-ку. Нарини борса орага озгина совуқлик тушади-да, яна қудалар билан ярашиб олинади» деб юпатган бўлди дўстлари. Дўстларининг таклифидан бошқа илож тополмаган Фарҳод дадилланди. Бу фикр унга далда берди.

Кинодан қайтаётган бир гала қизлар ичида унинг еру-қукка ишонмайдиган Нилуфари ҳам бор эди. Ниҳоят Нилуфар қўшни қиз билан уйи томонга элтидиган йўлакка бурилди. Шу лаҳзада Фарҳод гўё севгилисини узоқ-узоқларга учар отда олиб қочиб кетишга шайланган афсонавий баҳодирга айланди. Ва бу ширин ҳаёлдан энтикди. Нилуфарнинг қаршилиқ курсатишига қарамай, ўртоғининг машинасида тўғри уйига олиб келди. Бироқ қўшни қиздан воқеа тафсилотини эшитган Нилуфарнинг отаси зудлик билан Фарҳоднинг уйига етиб келди. Ҳовлидаги ғала-ғовурдан уйғонган Фарҳоднинг ота-онаси нима воқеа бўлганлигини билиб ўғлини қойишди, калтаклашди. Нилуфарнинг отаси эса ҳалиям гап-сўз тарқамас-

дан сезиб қолганини, қолаверса ҳамқишлоқ эканлиги учун индамаганлигини, бўлмаса нақ қаматиб юбориши мумкинлигини айтиб, удағайлади.

Ҳамқишлоғининг туйида дўстлар билан ичилган ароқ, юрагини беҳосдан ўртаган муҳаббат ҳақидаги қўшиқ уни ҳақиқий телбага айлантирди. Дадилланган йигит ҳеч тап тортмай Нилуфарни тўйхонадан олиб қочиб кетди. Ҳа, иккинчи бора қадим аждоқларининг «қиз олиб қочиш» удумини такрорлади. Бу сафар унга ҳеч ким, ҳеч нарса ҳалал беролмади. Ҳатто бу кеч руҳини бўғизлаётган тун фариштаси ҳам, юракка бўйсунмай қўйган ақл ҳам...

Суд ҳукми янгради. Йигит 4 йилга озодликдан маҳрум этилди. Муҳаббат аталмиш олий ҳақам эса унинг ҳиссиётлар билан тўлғонаётган юрагини ишқ оламига абадул-абад бадаларга қилди. Судланувчига сўнгги сўз берилди. У очикдан-очик муҳаббатни айбдор қилиб курсатди ва ҳатто қайта дунёга келганида ҳам Нилуфарни деб яшагани ва шу ишни қилиши мумкинлигини айтди. Фарҳод сўнгги бора юрак амрига бўйсунмаётган эди. Мана юрагини, туйғуларини, муҳаббатини ҳар томонга парчалаб олиб кетдилар. У энди ақл билан ёлғизланиб қолди.

А. Сафаров

Тахририятдан: Аслида бу воқеага ҳали кўп булгани йўқ. Фақат биз йигит ва қизнинг исмларини ўзгартирган ҳолда, воқеани образлироқ қилиб тасвирладик, холос. Хурматли муштарий, сизнингча бу муҳаббат фожеасида ким айбдор? Хатларингизни кутамиз.

ЭСИНГДАМИ?!


Эсингдами, булоқ бўйи,
мажнунтолни суяр эдик,
Танасини зиркиратиб,
исминимизни ўяр эдик,

Кейин аста ярасига
лабларимиз кўяр эдик,
Англаб бўлмас сирли-сирли
лаззатларни туяр эдик.

Эсингдами, булоқ бўйи
бир оташда куяр эдик.
Сирли, унсиз кўзлар ила
сўйлашмоқни суяр эдик,

Қаро тунлар кўзимизнинг қароғида,
Ётоғига ойни элтиб кўяр эдик.
Эсингдами, булоқ бўйи, сўнгги оқшом,
Лабларингдан титраб-титраб учган калом.
Эсингдами, мажнунтолни танасида,
Бир-бирига сингиб кетган иккита ном.
Эсингдами?!

Олим УСМОНОВ





ИШБИПАРМОН.

Сухбатдошим: Тошкент шаҳридаги «Улугбек ЛТД» оилавий хусусий фирма бошлиғи Камолхон Жалолов.

— Камолхон ака, «Улугбек ЛТД» фирмасини қачон ташкил этгансиз, ва унга нима учун «Улугбек ЛТД» деб ном қўйдингиз?

— Бозор муносабатлари барча жабҳаларда бўлгани каби ишбилармон ва тадбиркор кишилар учун ҳам кенг имкониятлар очиб берди. Галдаги вазифалар эса ана шу имкониятларда ким қандай фойдалана олишда эди. Фирма очилишига келсак... Аслида ҳаммаси бундан беш йил бурун бошланган эди. Самарқанд кооператив институтини битириб, бир неча йил савдо соҳасида ишладим. 1990 йили кенжа ўғлим Улугбекжон исми билан аталувчи «Улугбек ЛТД» оилавий хусусий фирмани ташкил этдим. Фирмамиз дастлаб битта тижорат дукони билан ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Бугунга келиб олти та дуконда савдо-сотиқ ишларини олиб

«Улугбек ЛТД» оилавий хусусий фирмасида сизни энг арзон ва сифатли моллар, хушмуомапа сотувчилар кутмоқда. ФИРМА ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИ ОЛДИДА ЖОЙЛАШГАН.

бормоқда-миз. Дўкон пешталарида АҚШ, Туркия каби дунёнинг ривожланган мамлакатларидан, шунингдек МДХ давлатларидан келтирилган замонавий кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари турли хил халқ ҳўжалиғи моллари ва автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар ҳам сероб.

— Фирмага олиб келинаётган молнинг нархига кўпроқ эътибор берасизларми ёки сифатига?

— Албатта унисигаюм, бунисигаюм. Биз кўпроқ тижоратчиларнинг пул пулни топади, деган нақлига амал қиламиз. Маҳсулот фалон сўм нарх билан дўкон пештоқидан тургандан кўра, сал арзонроқ нарх билан бўлсада, харидорлар қўлига етгани маъқул. Қолаверса, инсоф сари барака, деган халқимизда пурҳикмат нақл ҳам бор-ку. Мана яқинда Американинг «Грин-ХАУЗ» фирмасидан



ТАДБИРКОР

бир ярим миллион сўмлик аёллар пойафзалини олиб, сотувга чиқардик. Сифати ва нархи харидорларни қониқтиргани сабабли тезда ўз эгаларини топиб кетди. Дўконларимиздаги қўшни Қозогистон Республикасида ишлаб чиқарилган бежиримгина «Армон-2» кирювиш машинаси, автомобиль эҳтиёт қисмлари ҳам жуда харидоргир.

— Фирмада неча киши меҳнат қилади?

— Ҳаммаси бўлиб 50 киши. Айниқса савдо дўконларидаги сотувчиларимизнинг хизматларидан жуда хурсандман. Уларнинг харидорлар билан мулоим муносабати, савдонинг ривожига ривож қўшаёпти. Бундай сотувчилар орасида Рустам Мирзаев, Раҳимберди Каримов, Қарамон Аҳмаджонов ва Музаффар Асқаровларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

— Хайрия ёрдамлари ҳам...

— Саволимизга тушундим. Албатта. Мана биттасини айтиб ўтай. Утган йили Галаба байрами арафасида Ҳамза тумани Шароф Рашидов номли маҳаллада истиқомат қилувчи юздан зиёд уруш фахрийларига фирма фондидан байрам дастурхо-



ни тузаб, уларга бир миллион сўм ёрдам пули тарқатдик.

— Фирманинг келгуси режалари қандай?

— Яқинда яна бир савдо дўконини ишга тушириш арафасидамиз, тикув цехи очиш ва хорижий марказдаги енгил автомашиналарни олиб келиб сотиш ишларини йўлга қўймоқчимиз.

— Орзуларингиз?...

— (Бу саволимизга Камолхон аканинг рафиқалари, «Улугбек ЛТД» оилавий хусусий фирма бош хисобчиси Гулнора опа жавоб бердилар).

ОИПА

— Орзулар ва режадаги ишларимизни айтиверсак мақтанчоқликка йўйишингиз мумкин. Шунинг учун... энг асосийси уларни амалга оширишда. Бунинг учун эса имкониятларимиз етарли, қолганини вақт курсатади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ



«ЎЗБЕКИСТОН» ДАВОЛАШ-ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Бу ерда жигар, ошқозон беши, ўт халтаси, эркалар ва аёллар жинсий органи, юрак хасталиклари, бугинларига тўз йирилган, бронхит касалликлари билан оғирган беморлар шифо топиши мумкин. Бирлашмада тиббий ва халқ табобати, шунингдек лазер билан оғритмай даволаш усуллари йўлга қўйилган.

Малакали мутахассислар ва замонавий даволаш аппаратлари сизни кутади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 2 уй.

Маълумот учун телефонлар: 44-62-14, 44-31-04.

«МАЪНАВИЯТ» МАРКАЗИ ЧОРПАЙДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «ШУУР» ижодий жамоаси, Республика «Меҳр-шафқат» жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Халқаро қариялар кўнига бағишлаб «МЕХР ҚОЛУР...» шеър ва қўшиқ кечаси ўтказилмоқда.

Кечада: ўзбек халқининг сеvimли шоиралари, «Дуторчи қизлар» дастаси ҳамда Ўзбекистон халқ артисти НАСИБА АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистонда хизмат курсатган артист РУШАНА СУЛТОНОВА, хушовоз хонанда МАВЛУДА АСАЛХУЖАЕВА, раққоса РАЪНО ЗОКИРОВАлар иштирок этадилар.

Адабиёт ва санъатимизнинг атоқли онахон ижодкорлари: Ўзбекистон халқ шоираси — ЗУЛФИЯ

Адабиётшунос олима — ФОЗИЛА СУЛАЙМОНОВА,

Ўзбекистон халқ артистлари:

СОРА ЭШОНТУРАЕВА ХАЛИМА НОСИРОВА

БЕРТА ДАВИДОВА КОММУНА ИСМОИЛОВА

ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА НАСИБА ҚАМБАРОВА

кечамиз меҳмони бўладилар.

Анжуман 22 сентябр соат 17.00 да бошланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар,

Отатурк кўчаси 24-уй

(Аввалги Билимлар уйи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Азиз онажонимиз Замира ХУДОЙҚУЛОВА! Ярим асрлик муборак ешингиз ва таваллуд кўнингиз билан кутлаймиз. Неки орзу-ният қилган бўсангиз барчасига етилинг. Фарзандларингиз камолини қўриб, роҳат-фароғатда яшанг. Сизга яна кўндан-кўн самимий тилаклар билан фарзандларингиз ва турмуш урғоғингиз Нормумин.

Хурматли ва қимматли, азиз меҳрибон онажонимиз Турсуной ҲАМИДОВА!

Биз сизни таваллуд кўнингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга яратувчимиз Оллоҳ таолодан ҳамisha фаслу баҳордек яшнаб тургувчи умр беришини сураймиз. Илоҳ, фарзандларингиз бахтига омон бўлинг. Ҳамisha хонадонимизда қушдай ерқин нур сочиб туринг. Фарзандларингиз номидан АСРОР.

Сайрам тумани Қорамурт қишлоғи

* * *

Қашқадарё вилояти Китоб тумани Паҳлил қишлоғидан яна бир янги оила бунёдкори бўлмиш КОМИЛЖОН ва МУЪТАБАРХОН! Сизларни никоҳ туйларингиз билан табриклаймиз. Узоқ умр ва тотув турмуш тилаб, дустларингиз Зокир, Фурқат, Тўлқин ва Фарҳод.

ТАДБИРКОРЛАР, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Оила ва жамият» газетасининг «Реклама-эълонлар бўлими» (РЭБ) сизнинг хизматингизга шайланди. Хизмат ҳаққи сиз кутган ва ўйлагандан ҳам арзон. Имкониятингизни бой берманг.

Манзилимиз: Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95.

• Кўзгудаги ўзимиз

СЕХРГАРДА ИЙМОН ЙЎК

Хар замонга бир замон деталларидек, шу кунларда одамлар орасида сеҳр ишига, бировни бировдан иситиш ёки совутиш, ганимидан мутолқ ғолибликка эришиш, фолбиллик ишига қизиқишнинг ортганлиги кузатилмоқда. Баъзилар бу мақсадлар йўлида зарурат туғилганда пулини ҳам, молини ҳам аямайди. Сеҳргарлик, жодугарлик илмида донги чиққан биров кишининг дарагини эшитса, излаб топади. Ва худо беҳабар, мушрик бир зотнинг ҳузурда узининг бадбахт ниятларига йўл ахтарарди...

Исломда фолбиллик, сеҳргарлик, жодугарлик қатъиян қораланади. Бу ишларнинг ўта номақбул эканлиги ҳақида Ҳадиси шарифда ҳам қайта-қайта уқтирилади. Масалан, Ҳадисда шундай дейилади: «Ирим қилувчи ёки ирим қилдирувчи, фолбиллик қилувчи, сеҳр қилувчи ёки сеҳр қилдирувчилар бизлардан (яъни мумин) эмаслар».

...Сеҳргарлик, жодугарлик, фолбиллик исломга қадар ҳам булган, ундан кейин ҳам яшаб келаётир. Бу албатта, аллоҳдан қурқмаганларнинг иши.

Бундан бир неча йиллар аввал Олтинсой туманидаги Чинор қишлоғида бир воқеа бўлган эди. Майиз, енгоҳ, олмалар йиғиштириб олинган, одамларнинг оғирлиги тулган кузак кунларининг бирида одатдагидек қишлоқ кўчаларига жўғилар оралиди. Ана шу жўғилардан икки нафари айланиб-айланиб Ҳамро Тошбоев деган муаллимнинг уйига ҳам қадам ранжида қилишди. Бу тарихий ташриф чоғида хонадон соҳиби мактабда эди. Жўғи аёллар муаллимнинг анчадан бери дард қийнаб ётган хотини билан бир-икки оғиз гаплашгач ва унинг ранг-рўйига разм солгач, ақллари ишга тушади. Улар ҳассаларини қўлда тутганча ҳовли саҳнини айлана бошлайдилар. Йилларини кўтариб ҳаводан чуқур-чуқур нафас оладилар: «Келин, бу уйдан жодунинг иси келаётир, жодунинг иси келаётир!» Хуллас, улар тинмасдан тилга зўр берадилар, нигоҳ, ҳадни чалғитиб, телевизор антеннаси татига бир кичкина тутунчани қўмади-

лар. Жўғиларнинг гапларидан саросимага тушган муаллимнинг аёли табиийки, бунга илғгани йўқ эди. Шундан сўнг жўғилар, «Бу уйда жоду бор, жодунинг иси келаётир, бугун чарчадик, эртага келиб қидирамиз, топамиз!» деб ҳовлидан чиқиб кетишди. Кечга яқин уйига келган муаллим хотинини эгин, паришон бир ҳолда куради. Ҳолаҳвол суради. «Уйимизга жўғилар келди, ҳовлига жоду қўмилган эмиш, эртага келиб қидиришар экан. Шояд мен ҳам дарддан қутилсам», деди муаллимнинг аёли. Муаллим ҳам анойилардан эмас эди. «Жўғилар ҳовлининг қайси-қайси бурчагига борди?» деб суради аёлидан. Аёли эсига келганча айтди. Муаллим эса Назир деган оғайини билан белкурак олиб ҳовлини айланишди. Уларни антеннанинг таги шубҳалантирди. Чунки антенна тагининг тагидидаги тулқун мулоҳимланган, тинмаланган эди. Ковлашди. Унчалик чуқур булмаган ердан тутунча чиқди. Тутунчани қизиқиш билан ечишди. Ичида игна, кумир доналари, тирноқ, соч тодалари ва шу қабиладор бор экан. Бу жўғиларнинг иши эканлигига шубҳа қолмади. Тузилган режага қўра улар эртага келиб ҳовлини айланишлари ва охири шу ерни қовлаб тутунчани топишлари ва мақсадга эришишлари керак эди.

Эртаси вақтни нонуштага қолдирмай эпикдан жўғилар кириб келишди. Уларнинг тилида эса ўша кечаги гап: «Ҳовлидан жодунинг иси келаётир, болам, бу ҳовлидан жодунинг иси келаётир». «Йў-е, шунақам», деди муаллим ҳам қўвилик билан, бу кимнинг иши бўлди экан, қани, тез топингизлар». Жўғилар ҳовлини айлана бошладилар. Анча айланишгач, антеннанинг олдида келиб: «Жоду мана шу ерга қўмилган», дея баъшорат қиладилар. Жўғилардан бири антенна тагини қовлашга киришди. Аммо... ҳарчанд қазимасин, тутунча йўқ эди. Режаси тасомм чипшакка чиққан жўғилар бушади. Муаллим Ҳамро Тошбоев «Сизлар кўмган жоду мана бу эмасми?» деб тутунчани уларнинг олдида ташлади. Сири фош бўлган жўғиларнинг ҳовлини зудлик билан тарк этишдан ўзга чоралари қолмаган эди...

Одатда бундай тоифадаги одамлар тезда фош бўлавермайдилар. Чунки улар сизнинг руҳан ва жисмонан азобланиб турган пайтингизда, сезгиларингиз бир қадар заифлашган паллада ҳузурингизда ҳозир буладилар. Ва, табиийки, мақсадларига эришадилар ҳам. Уларнинг асосий мақсади аён: осонлик билан катта пул топиш. Қўрида биз айтган воқеа ҳаминша ҳам бўлавермайдилар. Купинча ана шундай сеҳргарлар ёки «жоду етгуччи» қаллоблар галаба қиладилар. Уша жўғилар муаллим Ҳамро Тошбоевнинг уйига келгунга қадар ҳам қанчадан-қанча анойи, хурофотга муккасидадан берилиб кетган, иймони заиф кишиларни лақиллатишгани шубҳасиздир.

Яна бир воқеани эшитган эдим. Зийрак, зеҳни уткир мусулмон йигити аҳудий устозидан сеҳргарлик илмини бекаму кўст урганади. Устози шогирдига илмининг кучи ва натижаларини амалиётда ҳам курсатади, албатта. Кейин эса кўнгли тулғач, шогирдига оқ фотиҳа беради. Сеҳргарликда қомиллик даражасига эришган шогирд мустақил ҳаракат қила бошлайди. Лекин... ажабки, қилган сеҳр амаллари ҳеч кимга, ҳеч нарсасига тариқча бўлса-да, таъсир курсата олмайди. Мусулмон сеҳргари ҳарчанд уринмасин, қанчалик қамолтирилган бўлган сеҳргарликка берилмасин, амалий натижаси йўқ эди. Шунда у сеҳргарлик илмида ягонаи даврон бўлган аҳудий устознинг ҳузурига боради ва арз қиладилар: «Устоз, маъзур туттайсиз, сеҳрларим ҳеч кимга ва ҳеч нарсасига игнача бўлса-да таъсир қилмаётир...» Кўпни кўрган, ўз илмининг қарийб поёнига етган устози узоқ уйга толади ва қилган меҳнатларининг зое кетиши сабаби нимада эканлиги ҳусусида мушоҳада юритади. Анча мушоҳада ва сукутдан сўнг у счимга келади: «Қилган сеҳрларинг таъсир қилмаётган бўлса, бу сенинг иймонинг борлигидандир. Токи иймонинг бор экан, сеҳринг ҳам ҳеч қандай таъсир қилмайди». Шогирд шунда савол назари билан устозига мунгайиб қаради. Садокатли устоз шогирдига шундай деди: «Қизилган тандирга нон епилишдан аввал пешоб қил, мақсадинга етурсан».

Йигит уйига келди, қизиқ турган тандирга пешоб қилди. Во ажаб! Пешоб қилганидан сўнг тандирнинг ичидан оппоқ қабулар учиб чиқиб кетди. Бу... мусулмон йигитининг иймони эди. Шундан сўнг... йигит матлабига етди. Ёмон кўрган бир одамини бир зарб билан эшакка айлантирди. Илмининг қомиллигидан қувончи дунёга сиймади. То паймонаси тулгунча мусулмондан чиққан бу сеҳргар куп ишларни амалга оширди. Кўнгли тусганидек иш қилди ва яшади. Қанчалар одамларнинг тақдирига раҳна солди.

Ажал жомини сипқориш пайти келганда бир уламо киши унинг қўлида эди. «Эй бандай мумин, иймон келтиргил, калимаи шаҳодатни айтгил!» деди. Сеҳргар йўқ деталдек бош чайқади. «Шайтоннинг васвасасига учмагил, иймон келтиргил!» тақролади уламо. Охиратдан умидини ўзган сеҳргар токи жон халқумдан чиққунча бошидан кечган воқеани айтиб ултурди. Ва яна сеҳргар айтдики, «Менга жаноза ҳам ўқиб утирмангиз, фойдаси йўқ...» Ва ниҳоят, уламо узининг рўпарасида жон таслим қилаётган банд шайтоннинг васвасасига учиб иймонидан айрилган, Аллоҳга шак келтирган бахтиқаро кимса эканлигини англаб, ларзага тушди...

Ислом ҳам, инсониятнинг пешқадам ақли ҳам сеҳргарлик, жодугарликни ҳаминша қоралаган. Ҳақ йўлдан адашганларгина бу йўлдан юрадилар. Шу ҳаром йўл билан лўқма топиб ейдилар. Лекин ҳар бир одамга ҳалоқдан ҳаромни фарқламоғи, тўғри йўлни танимоғи учун ақл-заковат берилган. Аслини олганда тўғри йўл ҳам, эгри йўл ҳам аллақачонлар қизиқ, курсатиб берилган. Ким қайси йўлдан боради? Бу ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

ДЕРАЗА

ГЕРОИН ЙУПИ

Лондон шаҳрида божбона ҳодимлари ва полициянинг махсус қисмлари ҳамкорликда ўтказган тадбир натижасида уйлاردан бириндан 200 килограммдан ортиқ героин наркотик моддаси топилди. «Гибевандлик бозорида бу героин 25 миллион фунт стерлингга яқин баҳоланиши мумкин эди»,— деди полициянинг раҳбарларидан бири.

ТЕЖАМКОРЛИК САРИ

Ғарб автомобилсозлари кейинги йилларда кам ёқилғи сарфлайдиган енгил автомашиналар ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, 1997 йилга бориб Олмонияда 100 километр масофага 3,5 литрга яқин бензин сарфлайдиган «MERCEDES», «ФОЛКСВАГЕН», 2,5 литр ёқилғи сарфига мўлжалланган «ОПЕЛ» машиналари ишлаб чиқарила бошлайди.

«ТЕРРОРЧИЛАР ШАҒҒАТ КУТМАСИНИ»

Қисқа давр ичида Париждаги Елисей майдонида, метро бекатларидан бирида, Леон шаҳридаги аҳудийлар мактаби яқинида портлашлар юз берганидан сўнг Франция ҳарбий лагер қиёфасига кириб бормоқда. Мамлакат президенти Жак Ширак террорчиларга қаршатиш зарба берилаётганини, бунинг учун бутун Франция бўйлаб 4500 яхши кулланган ҳарбийлар полициячилар билан ҳамкорликда иш олиб боришини таъкидлади.

АФСУНГАРМИ ЁКИ...

Москва темир йўлида оддий ишчи бўлиб хизмат қиладиган Иван Кулебекиннинг иқтидори АҚШлик машҳур афсунгар Конперфилдникдан асло кам эмас. Иван бемалол осмондаги булутларни ҳайдаб юбориши, телевизор экранидан тасвири олиб ташлаши, хоҳлаган одамнинг туғилган кунини ойи йилигача тўғри айтиб бера олиши мумкин.

ЕР—БЕБАҲО БОЙЛИК

Яқинда Москва шаҳрида ўтказилган аукционга ер майдонлари қўйилди. Жумладан Богзор ҳалқа (Садовое кольцо) атрофидан бир гектар ер олиб қурилиш қилишни истаганлар 10 миллион АҚШ доллари, Сретенкидаги ер майдонлари учун эса 20 миллион доллардан пул тўлашларига тўғри келди.

ТОМОША ҚОПДИРИЛДИ

Украинанинг «Биостар» труппаси Туркияда ўргатилган дельфинлар билан томоша ўтказмоқчи эди. Бироқ Туркия атроф муҳит ҳимояси вазири Ризо Оқсали бунга рухсат бермади. Бир гуруҳ табиат ҳимоячилари томонидан труппа аъзолари дельфинларга муштасил озор беришлари, уларнинг танасидаги кўпдан кўп яра-лар шундан далолат бериб турганлиги ҳақида маълумот олгач, вазир шундай қарорга келди.

Хорижий матбуот
хабарлари асосида
тайёрланди

Абдул Фани Жума сурати

Поклик тимсоли ҳисобланган оппоқ либос кийган қиз қалбида қанчалик ҳаяжонли туйгулар жўш уришини тасаввур эта оласизми?

Орзулари ойдин бўлади унинг!
Уммон каби гузал орзулар огушида оқ либос кияди, қизгина.

Дафъатан уни Оққушга ўхшатиш ҳам мумкин. Гўё мовий самоларда орзуниятлари ила ўзга манзилга — остонаси тилло бўлиб кўринган хонадонга келин бўлиб бормоқда, у...

Бироқ... Ҳаёт сўқмоқларида инсон не-не кўргуликларни бошидан кечирмайди, дейсиз. Эҳтимолки, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам баъзиларга эриш туюлар ёки фикримизни «бир ёқлама»га чиқаришар. Барибир, кимларгадир сабоқ булар, деган умидда ушбу қораламаларимизни ёритишга жазм этдик.

Икки йил бурун Робия исмли дугонанининг туйи бўлганди. Ушанда тенгқурларимиз орасида биринчи бўлиб оппоқ либос кийган дугонанимизга жуда ҳавасимиз келган. У чиндан ҳам бахт воқисаи узра қанот қоқатган Оққушга жуда-жуда ўхшарди. Дугонанининг қалбида не уйлари кечаётганини билмасакда, унга ўзимизча самимий тилаклар айтгандик. Уша туй оқшомида каттакан тўйин ой ҳам фақат уларга — Робия билан ёнма-ён кувейлик либосини кийиб турган Ҳазратхонга нурларини бахшида қилаётганга ўхшарди.

Умри боқий куй-қушиқлар каби уларнинг ҳам бахтли-саодатли кунлари бир умр давом этганида қолди эди... Тўйдан сўнг бир неча ой ўтиб, дугонанимизнига меҳмонга борганимизда галати манзарага дуч келдик: туй бўлган уша катта ҳовлининг ўртасидан қўра тортилган, тандир ўчоқларига бўлак-бўлак... Кайнона-келин гўё қўшни ҳовлиларда яшаётганга ўхшарди. Эҳтимол, ёш оила алоҳида рўзгор бўлиши кимларгадир маъқул туюлар. Бироқ, ондаек оқила қайнона билан супрада нон қилиб ейишнинг ҳам гаши бор-ку!

• Қишлоқ нафаси

УНУТИПАЁЗГАН УДУМЛАР

Илгари бирорта хонадоннинг эшигида қулф осиглик турмасди. Қишлоқда туйми, маъраками бўлса, одамларимиз бола-чақаси билан боришарди. Бемалол тўйни томоша қилиб ўтирaverишарди. Уйини қаровчисиз, очик ташлаб келгандигидан ҳам хавотирга тушмасди.

Бир кун қишлоғимиз оксоқоли неварасига туй берди. Кечқурун томонининг қизиги бошланди. Элимизнинг Азим деган бахшиси буларди. Раҳматлини ҳамма «Азим шоир» деб аташарди. Унга етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма қизқишарди. Шу кун бутун эл еппасига тўйга келди.

Қишлоғимизда Жура бобо деган одам бор. Ҳамма уни: «оқсоч» дейишди. Сабаби бир донга ҳам қўра сочи йўқ. Мана шу Жура бобонинг ҳам



Жура Боборахмат сурати

уйида ҳеч қим қолмай ҳаммаси тўйга келишган. Шу кун кечаси қўрасидан 20 та қўй гоий бўлган. Бечоранинг қарамаган ери, бормаган жойи қолмади. Лекин қўйлардан дарак бўлмади.

Аста-секин одамлар эшигига, деразасига қулф соладиган, уйининг тева-рагини ҳовли қилиб ўраб оладиган бўлишди. Шундай қилиб одамларда бир-бирига булган ишонч сўяса бошладди.

Кечалари тупланишиб қўшнилари-мизниқига чиқардик. Қишлоқнинг қиз-жувонлари ҳам бир уйда тўда бўлишиб, ярим кечагача турун аралаш урчуқ йғириб, кашта тикишарди. Айниқса, каштани қизларимиз кўпроқ тикишарди. Уларнинг тиккан кашталари келин-чак сепининг энг ноебларидан бири ҳисобланарди.

Бу кашталарда ҳақиқий шарқона, ўзбекона тилсимлар буларди. Ёш келин-куёвларнинг уйларини файзга тўлдирарди. У замонларнинг одамлари ҳам бошқача булган экан. Келинчакларга тиккан кашталарига қараб баҳо берардилар. Тўй кун қишлоқ йигитларига келиннинг қўли билан тикланган румолчалар совға қилинарди. Шу румолчалар ва қўра-ёстиқларнинг, кашталарнинг тикилиши, гиламларнинг тўкилиши қанча чиройли бўлса, эл кайвонилари томонидан келинча шунча яхши баҳо бериларди.

Абдурасул ПАРДАЕВ

• Оила ойнаси

ОҚ ЛИБОСЛИ КЕЛИНЧАК

Бу хунук манзарани изоҳлашга аслида ҳожат йўқ. Аммо, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни ҳамма ўз қаричи билан ўлчайди. Шундай ҳашаматли, чиройли ҳовли ўртасида қўра (чегара) пайдо бўлганини кўрган қўра кўзлар албатта ўз муносабатларини билдирмай қолмайдилар. Кимдир келинни қораласа, кимдир қайнонани айблади, бошқа биров эса ўғилни ёмонлаши мумкин.

— Мен қайнонамни ўз онам деб билганман ва умрбод шунга содиқ қоламан, — дейди кўзларига ёш қалқиб Робия. — Эҳтимол, ҳамма айб мендадир...

Унга эса Ҳазрат дағдаға қилади:

— Оқни оқ, қорани қора, дейиш керак, билдирми? Ойимни асли худо уриб кетган бўлса, бандаси унга бас келармиди?..

Ўғилнинг ўз онаси ҳақидаги гапларини тушимизда эшитяпмизми ё ҳушимизда, билолмай қолдик. Наҳот, шу гапларни Ҳазрат айтатган бўлса?!

Аслида воқеа бундоқ бўлган экан: тўйдан кейинроқ Ҳазрати тушмағур хотинига ўз ота-онасини, ака-укаларини ёмонлашга тушибди. «Сен ҳам билиб қўйишинг учун айтганим-да...» қабилда гап бошлаб ўз жигаргўшаларини ғийбат қилавераркан. Робия бўлса аввалига гап нима далигини билолмай, жимгина тингларди. Сўнг, эрини мураса-ю мадорига қақирбди. «Қўйинг, ўз туғишларингизни, ҳатто, волидангизни ёмонлайсизми? Агар, улардан айб утган бўлса, утган гапларга саловат эмасми? Қолаверса, одамнинг иссиқ-совуқ кунларига аввало қариндошлари ярайди-ку» дея уни тўғри йўлга бошлашга ҳўб уринибди. Эри бўлса устунроқ келаверибди. «Ойимни билмайсан, келинларга «Шум қадам» деб лақаб қўяди. Масалан, учта кеннойим ҳам акамлар би-

лан кучиб кетиб қўтилишган...»

Одамзод темир эмаски, ҳамма нарсасига чидаса. Айниқса, янги оилага келин бўлиб тушган заифанинг кўнгли нечоғли нозик бўлишини тасаввур этиш қийинмас. Эри ади-бади гаплар айтиб, юрган кезларда Робия қайнонасининг оғзидан «Шум қадам» деган сўзни беҳосдан эшитиб қолади-ю... жahl устиди «эри томони»га ўтади-кетди. Орада жанжал кўтарилади, бақир-чақир гаплар ўтади. Лекин, кенжа ўғил Ҳазратбек акаларига ўхшаб аллақачонларга кучиб кетмайди. (Ўзининг шу ҳовлига меросхўр бўлишини яхши билади-да!). Шартта тиконли симлар билан қўра ясайди-ташлайди. Шу-шу, ҳайхотдек ҳовлида ўғил билан келин битта рўзгор, ёлғиз она эса алоҳида...

Турмушдаги баъзи гаплар майда-чўдадек туюлади. Аслида эса, инсон қисматида ҳеч бир кўргуликни «майда-чўда» деб бўлмайдми. Яхшим-ёмоними бир муштга «она» Ҳазратдек ўғилни оқ ювиб, оқ тараган, раҳматли отаси ўрнига ота бўлиб уйлантирган, тўйини ҳеч қимниқидан кам қилмаган.

Балки жahl устиди айрим гапларни уйламай-нетмай айтворадиган одати бордир... Чиройли муомала маданиятидан сал-пал узокқодир. Боринги, ўғли айтганидек — бироз шангиллайдиган, ёмонроқ феъли ҳам йўқ эмасдир...

Барибир, у — Она-ку!

Ғалати бир алфозда қайтгандик ўшанда. Орадан бир неча ой ўтиб тагин дугонанимизига меҳмонга отландик. Бу гал бутунлай бошқача манзарага дуч келдик.



Н. Мухаммаджонов сурати

Ҳовли саҳнида тўсиқ — қўрадан номинишон йўқ... Уни, албатта, Робия олдириштириб ташлаган экан. Она-бола мурасаларини бошлаб келиштириб қўйибди, дугонанимиз тушмағур. Ўзи бўлса, файзли ҳовлида Товус қўшдек товланиб юрарди.

Бир-пайтлари оқ либос кийиб келган дугонанимизнинг бул хонадонда яна бир пок ниятига эришганига имон келтирдик. Турмуш машаққатларини шу зайлда мардона енгаётган дугонанимизга янада ҳавасимиз ортди.

Соҳиба БОНУ ҚОСИМОВА

• Сир очилмасдан қолмоқда

АЖАЛ УЧБУРЧАГИ

1945 йилнинг 5 декабрида соат 14 дан 10 дақиқа ўтганда, Флоридадаги Форт-Ледерсдейл ҳарбий-депозит кучлари авиабазасидан ҳавога «Эвенжер» типидagi 5 та торпедо элтувчи бомбардирмончи самолётдан ташқил топган звено кўтарилди. Бундан мақсад Шарқ томонга 160 мил, шимол етқа 40 мил узокликка учуш ва оққа қайтиш учув машқи режалаштирилиб, парвознинг икки соат давом этиши мўлжалланганди. Бироқ у мангүликка чўзилди: самолётлар базга қайтиб келишмади.

Самолётлардаги асбоб-ускуналар аъло даражада бўлиб, экипаж ўзи қийилувчи, учиб тушишга ердам берувчи кийим ва қўтқарув жихозлари билан тўла таъминланганди. Об-ҳаво аъло даражада эди. Бироқ самолётлар базга қайтилиши лозим булган пайтга, соат 15 дан 45 дақиқа ўтганда, кўмондонлик-диспетчер пункти қуйидаги галати хабарни олди:

— Авария ҳолатига тушиб қолдик, ерни кўрмаймиз, қайтараман, биз ерни кўрмаймиз!

— Ўз координатларингизни хабар қилинг! — сурув қилди кўмондонлик-диспетчерлик пункти.

— Биз қарда эканлигимизни аниқлай олмаймиз, — жавоб берди звено командири, лейтенант Тейлор. — Биз қарда эканлигимизни била олмаймиз, адашиб қолдик.

Кўмондонлик-диспетчерлик пунктида ҳеч нарсасига тушунай қилишди. Чунки ҳаво яхши, теварак-атрофни кўриш аъло даражада эди.

— Ғарбга қараб йўл олинг! — буюришди звенога.

Жимлик узок давом этди, сўнг яна лейтенант Тейлорнинг овози эшитилди: Биз ғарб қарда эканлигини била олмаймиз, бари галати. Биз йўналишини аниқлай олмаймиз, океан ҳам бошқача кўринаяпти.

Диспетчерлар хангу-манг бўлиб қолишди. Командирдаги компас бузук булганда ҳам ғарбга қараб учиб қийин эмасди, чунки олд томонда кўшб бор эди-да. Бироқ экипаж негалир кўшбга қараб йўналишини белгилай олмастганди. Микрофондан экипаж аъзоларининг ҳаяжонли овозлари эшитилар, звено маълум бир ҳудуддан чиқа олмасди. Соат 16.00 дан, вақимда тушган командир бошқаришини бошқа учувчига берди.

— Биз қарда эканлигимизни била олмаймиз, балки, баздан 220 мил шимо-

лий шарқдиримиз, ҳеч қанча вақт ўтмай, биз...

Овоз сўяса бошладди, сўнг эса бутунлай йўқолди.

13 экипаж аъзосидан иборат «Мартин Маринер» типидagi қўтқарувчи самолёт барча қўтқарув жихозлари билан таъминланган ва жуда баланд тўлқин булган чоғда ҳам сувга қўна оларди. Кўмондонлик-диспетчер пункти 19-звенога ердам юборилганини ҳақида хабар қилмоқчи бўлди, аммо жавоб бўлмади. Қўтқарувчи самолёт «Мартин Маринер» радио орқали олатдаги бир неча хабарни юборди, у 19-звено булган ҳудудга яқинлашганини, бироқ ҳеч нарсаси топа олмаганлигини таъкидлади. Яна улим сукунати чўкди. «Мартин Маринер» ҳам бутунлай изсиз йўқолди.

Умумий тревога кўтарилди. Флоридадаги турли базалардан, Флорида, Бермуд ва Багам оролларидаги портлардан биринкетин самолётлар ҳавога кўтарилди, кемалар ахтаришга чиқди.

Соат 19 дан 4 дақиқа ўтганда, диспетчер жуда кучсиз, узилиб-узалиб келувчи «ФТ... ФТ...» сигналининг қабул қилди. Бу 19-звенонинг позитивлари эди. Позитивлар 19-звенодаги самолётларда ёниги тугаши лозим булган вақтдан икки соат ўтгандан сўнг қабул қилинганди. Кейинги кун «Эвенжер» ва «Мартин Маринер»ни излашга 300 та самолёт ва 21 та кема жалб қилинди. Излаш бир неча ҳафтага чўзилди ва Атлантика океани ҳамда Мексика қўлгинининг жуда катта ҳудудини қамраб олди. Асбоб-ускуналар, сув остида сузувчилар, сув ости дўнсининг ҳар бир квадрат домини текшириб чиқди. Афсуски ҳаммаси беҳуда кетди.

Орадан 46 йил ўтиб, ҳалокатга учраган звено океан қарбидан топилди. Самолётлар чўқурликда худди яптидек, узингич қатъий ҳарбий тартибни сақлаган ҳолда, бир хил масофада, гуеки мангу парвозини давом эттиратгандек бўлиб турарди. Ҳеч бир жойида сув таъсирида бўзиллиш, сув утлари бошиш, чингаоқ қолаши кузга ташланмасди. Қўтқарув воститалари ва ўзи қийилувчи, учиб тушишга ердам берувчи жихозлар ва ҳатто, майда-чўйдаларгача ҳаммаси жойида эди. Афсуски, барча кабинетлар махсус маҳкамлангандан герметик усулда ёпиқ бўлишига қарамай, ичидagi одамлар йўқ эди.

«Дайджест миражи» рўзномасидан
М.АЗИМОВ таржимаси

Антонио АШУРРИ
(Италия)

СТАТИСТИКА

Ҳажвий ҳикоя

Статистика — бу шу қадар аниқ фанки, мисол учун, йигирмата бир қўлли ва ўн нафар турт мучаси соппа-соғ одамни оладида, уларнинг ҳар бирига уртача бир яримтадан қўл тўғри келадими, деб ҳулоса беради. Менимча, бу адолатдан эмас, ахир, икки қўлиям бус-бутун одам бир қўлининг ярмини бошқа бировга беришга қўнармикан, қолар-верса, яримта қўлни бир қўлли одам қаерига мослаштириб оларди. Айтганча, икки қўлли одамлар қолган яримта қўлини нима қилишни билмай сарсон. Хуллас, бундай аниқ ҳисоб-китоб инсон аъзоларини ақсизларча исроф қилишдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирча менинг икки қўлиб ҳам бут, бироқ тан олиб айтманки, навбатдаги статистика маълумотларини ўқиб (дарвоқе, газеталаримиз уларни эълон қилишга ружу қўйишган), ўзим ҳақимда шунақанги галати, шунақанги тутуриқсиз тафсилотларни билдимки, газабим қайнаб, шахсимга тил теккизгани учун статистика бюросини жавобгарликка тортмоқчи бўлдим. Мана, ўзингиз ўйланг, бюронинг берган фактларига қараганда, гўё менинг, яъни уртача италияликнинг бўйи бир метру эллик тўққиз сантиметр бўлиб, 1998 йилгача яна озроқ қўзилиши — бир метру олтиш икки сантиметрга етиши мумкин эмиш. Лоф деганим бундан баттар бўлмаса керак. Ахир, менинг бўйим роппа-роса бир метру саксон саккиз сантиметр, марҳамат, келиб гувоҳлар кўз олдида ўлчаб қуришсин. Бу ҳали ҳолва. Уша расмий маълумотларда айтилишича, менинг сочим уртача қизғиш қора тусга мийил экан. Ваҳоланки, мен гарчи жудаям келишган йигит бўлмасам-да, дўстларим менга сочинингнинг майин оқ-сарик тусдалиги билан гурурлансанг арзийди, дейишди.

Келинг, статистика маълумотларининг давомига қарайлик. Статистика таъкидлайдики, менинг ёшим ҳозир қи-

рқда, демак мен 2,1 дан ортқ фарзанд-қа ота бўлишга ҳаққим йўқ! Бундан келиб чиқадики, қизим Робертонинг тўқсон фоизи ва ўғлим Лоренсонинг юз фоизи бошқа эркакнинг ҳиссасига тўғри келарканда. Статистика менинг жуфт ҳалолим шайнига доғ тушурмаяптимики? Нима бўлганда, мен тушунмай қолдим: ўз бола-лганим қайдо қилаётганимга қандай қилиб ўзинг тўқсон фоиз иштирок этиб, қолган ўн фоизини рақиб томонга қолдири-шинг мумкин. Тагин газетамда менинг турмуш тарзимга доир бир қанча асоссиз далиллар ҳам келтирилган. Статистларнинг кўрсатишига қараганда, мен бир кунда 1,05 литр вино ичарканман ва 10,3, яъни бир пачка-ю тагин яримта — чекиб ташлаб кетилган қолдиқ-сигарет чекарканман. Мана шу чекиб ташлаб юборилган қолдиқни мен статистика бюроси директорининг (билмадим, балки у ер тими-мирскилаб сигарета қолдиқларини териб юрар) виждонига ҳавола қилдим. Бироқ ўзимга келсак, ростки, мен ҳеч қачон вино ичмаганман, чекишни ташлаганимга, мана, роппа-роса қирқ йил бўлди. Энди, менинг уйимда 3/4 музлаткич. 0,1 кир ювиш машинаси ва 0,32 чангпогич борлиги ҳақидаги лофга нима дейсиз? Биз шу қадар қашшоқмизми? Ахир, 0,1 кир ювиш машинасида нимани ювиш мумкин? Фақат дастурмолимми?

Ёки мана бу маълумотларни олинг: менинг 2,1 болаларим мактабни битиришгандан сўнг қуйидагича булакларга бўлиниб кетишармиш: 1,9 болам ўқишни давом эттиради, 0,2си эса иш қидиради. Ол-а! Болаларнинг бундай бўлиниб кетганини тасаввур қилганимда ичим эзилиб кетарди. Менинг 1,9 болам ўқишни давом эттириши ҳақидаги маълумотни ўқиб, эрталаб гимназияга

тизацияси ва бошқалар.

— Асосиймасларини ҳам бил-сак буладими?

— Марҳамат! «Тез ёрдам» да маза қилиб чой ичиб утирувдик. Оромимизни буздики, буздики. Яшин тезлигида келдикми, келдик. Соф ҳаводан дим ҳавога кирдикми, беморни кўрдикми, мас-лаҳатлар бердикми, хуш...

СИЗ ШОХИДА ЮРСАНГИЗ...

ҳажвия

— Бўлди, етарли, тўғри...

— Ана, тушунадиган одам экансизу, пулни туланг-да, кетайлик, бозор иқтисодиёти, азизим.

— Албатта, — Роҳатиллонинг ҳам шу дамда мияси бозор иқтисодиётига монанд ишлаш бошлади. — Энди ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар. Бизда ҳам бир қатор чиқимлар бўлди. Асосийлари: совун, сув сарфи, бугунги бизнесим барбод бўлганлиги, янги сочиқни кир қилганлигингиз, гилам-палосларни топтаганингиз, телефон амортизацияси...

— Ҳой, э, сиз галати экансизу. Асо-сиймаслари ҳам бордир.

— Албатта-да. Сизга қўнғироқ қилгун-ча асабим бузилди. Дори ҳиди ўрнашиб

Валентина бут-бутун кетаётганини, Франко эса икки оёғини уйда қолди-ришга мажбур эканини кўз олдимга келти-ришга уринаман.

Статистика бюросининг энг қўпол, билиб туриб виждонсизларча ёзган бў-тони яна шуки, гўё менинг иштиёримда 0,37 уй хизматкорлари бор эмиш. Мен, очиги, уша 0,37 хизматкорим бўлиши-ни жуда-жуда истардим, чунки улар уйимда қозон-товоқнинг 0,37сини ювар-ди, 0,37 овқат тайёрлар ва уйнинг 0,37сини супуриб-сидирарди ва оқи-батда мен ҳам хотинимдан ҳар кун ишитадиган дашномлар 0,37га камаяр-ди. Модомики, менга бу 0,37 хизмат-кор тегишли экан, бас, статистика бю-роси уни менга топиб берсин, буни мен қонун йўли билан талаб қиламан.

А. ОТАБОЙ таржимаси



Р. Альбеков сурати

қолган ҳалатингизу дори қўтингиз билан хона экологиясини буздингиз. Савол беравериб бемор да-дамни ва мени хоритдингиз. Хуллас, — у дўхтир қўлидаги ҳисоблагични тортиб олиб ҳи-соблай кетди, сўнг деди, — сиздан уч юз сўм, ундан қарзим икки юз сўмни чиқариб юборамиз. Юз сўм бер-сангиз қутуласиз.

— Ҳе, нималар деяпсиз?

— Бозор иқтисодиёти, азизим, тез-роқ бўлинг, фоиз қўшилиб қолмасин.

— Ҳозир менда пул масаласи сал ча-токрок, кейинги сафар. — Дўхтир эшик томон тисарилди.

— Майли, лекин ёддан чиқарманг, қиё-мат қарз, дейдилар.

Дўхтир қандай тез келган бўлса, шун-дай тез гойиб бўлди.

Восит АХМАД

Сўнги устун

ИЧМАЙДИ, ЧЕКМАЙДИ...

АҚШнинг Лос Анжелес шаҳрида Кристиан Мортенсеннинг 113 ёшга ту-лиши муносабати билан тантаналар бў-либ ўтди. Шодиена сабабчиси «мен ўзим-ни 24 яшар йигитдек сезяпман», деган-да бўлди қарсақ, бўлди қарсақ.

Кристиан Мортенсен бундай узоқ умр куришининг сирини шундай изоҳлайди: «Эсимни танибманки, ароқ, сигарета ва ўта ёғли овқатларни истеймоқ қилмайман, ҳар кун 15-20 стакан сув ичиб тураман».

ҚАЙСИ БИРИ АФЗАЛ?

Инглизлар жониворларни, айниқса, уй ҳайвонларини яхши қуришлари ҳеч қим-га сир эмас. Яқинда Лондондаги Мупш-ларни ҳимоя қилиш Лигаси 800 нафар бола уртасида суров утказиб, уларга «уйингизда мушукка муносабат қан-дай?» — деб савол беришди. Ҳар уч бола-нинг бири «онам отамдан ҳам кўра кў-роқ мушукимизни яхши қуради», деб айт-ган.

АНА ОМАД, МАНА ОМАД

Шу қунарларда Голливуд кино юлдузи Силвестр Сталлонининг кайфияти чоғ. Булмасамчи, ахир у продюссерлик ком-паниялари билан туртга фильмда бош ролни ижро этиш учун 80 миллион дол-ларга шартнома тузди-да!

ҚОНУН РУХСАТ БЕРГАЧ

АҚШнинг Айова штатидаги Форт Дож шаҳрида истиқомат қилувчи парашют спортчи муҳлислари антиқа томонининг гувоҳи бўлишди. Шаҳардаги парашютчи-лар клуби аъзоларидан 14 нафари қип-ялангоҳ ҳолда парашют билан сакрашди ва тўғри шаҳар уйингоҳи марказига келиб тушди. Дарров етиб келган поли-ция парашютчиларни қўлга олди, лекин шпарт қонунарида ялангоҳ ҳолда пара-шютдан сакрагани учун жазо қоралари белгиламаган экан. Илложсиз қолган по-лициячилар қечирим сураб, парашютчи-ларни қўйиб юборишди.

ЁҚҚАНИНИ ТАНЛАБ ОЛ!

Африка гарбида жойлашган Марокаш давлатининг Атлас тоғлари бағридаги Имихил қишлоғида ҳар йили кеч қузда «Келинлар ярмаркаси» бўлиб ўтади. Уч кун давом этадиган кургзмага мамлакат-нинг турли бурчакларидан турмуш ку-риш интиққилиги йигит-қизлар тўплани-лади. Йигитлар махсус майдонга тўплан-ган қизларни қўздан кечириб, ўзларига муносиб қалинқ танлайдилар. Ўз тенги-ни топган йигит 20 дирҳам тулаб никоҳ қозони олади.

ЧЕКИШ-РОЗИЛИК АЛОМАТИ

Янги Гвинея оролида яшовчи айрим қабилаларда эса унашши маросими бит-та сигара чекилгунча ҳал этилади. Яъни, йигит сочидан бир толани олиб тамаки баргига ўради ва сигара тайёрлайди. Узи ектирган қизниқига бориб, уни яримга-ча чекади ва қизнинг онасига беради. У эса ўз навбатда синагани қизига узата-ди. Агар у синагани чекса, демак тўйга рози.

ДОВЮРАК МИТТИВОЙ

Ер юзидagi қўшларнинг энг кичиги Колибри бўлиб, унинг қатталиги бор-йў-ги қовоқ аридек келди, отирлиги эса 1,5-2 граммдан ошмайди. Шимолий Аме-рика ўрмонларида яшовчи мана шу мит-тивой баъзан қирғий ва бойқўшга ҳам ҳужум қилиб қолшини мумкин. Бунда у ўзининг бошқа қўшларга учрамайдиган ҳислатига илпонади. Яъни, колибри бе-мапоқ олдига, орқага, ҳатто енг томонга ҳам ўча олади. Тезлигини соатига 90 ки-лометрга етказиши мумкин.

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Соғлом
авлод учун» Халқаро хайрия
жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Алижон САФАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0409. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.